

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

ОНАТИЛИ

“МАҲОРАТ МАКТАБИ” УЧУН ТАВСИЯЛАР
(2015-2016 йил учун тузилган режа асосида)

Тузувчи: Гулсара Зиёдуллаева
Филология фанлари
Бўлими бош методисти

Тошкент-2015

Ўқув семинарнинг ўтказилиш вақти: 2016 й, 19.02.
Ўтказилиш жойи: Тошкент ВПХҚТМОИ

**3-мавзу (режа асосида) : Она тили дарсларини ахборот
технологиялари асосида ташкил этиш
(8-синф она тили дарслари мисолида)**

Дарсларда АКТ ўқитувчига кенг имкониятлар беради. АКТларни дарсларда қўллай олиш учун ўқитувчининг ўзи уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш малакасига эга бўлиши зарур. Барчамизга маълумки, ХТВнинг 2011-йил 23-мартдаги “Умумий ўрта таълим мактабларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг замонавий ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш бўйича малакасини оширишни ташкил этиш тўғрисида”ги 61-сонли буйруғи асосида ўқитувчиларнинг замонавий АКТлардан фойдаланиш кўникмалари шакллантирилди.

Келинг, аввал “АКТ- ўзи нима?” деган саволга жавоб топиб кўрайлик. **Ахборот-коммуникацион технологиялари** ҳозирги вақтда энг долзарб мавзулардан бири бўлиб, сабаби ҳар бир соҳани ўрганиш, изланиш ва тажриба орттириш учун турли усуллардан фойдаланиш зарурлигидир. АКТ ёрдамида ўқувчи мавзунинг ўқийди, тинглайди, тасвирларини кўради ва тафаккур қилади. **Бундан 3500 йил муқаддам Конфуций “Эшитганимни ёдимдан чиқараман, кўрганимни эслаб қоламан, мустақил бажарсам тушуниб етаман”** деган экан. Таълимда информацион ҳамда педагогик технологияларни қўллаганда ўқувчи эшитиш, кўриш, кўрганлари асосида мустақил фикрлаш имкониятига эга бўлади. АКТ ўрганиш ва ўқитишнинг янги имкониятларини очиб беради, ўқувчиларни рағбатлантиради ва уларнинг фанга бўлган қизиқишларини оширади.

АКТ дан фойдаланиб дарс ўтиш ўқув самарадорлигининг кескин ўсишига кўмаклашади. Бугунги кунда дарс ўтишнинг турли хил йўл-йўриқ ва воситалари ишлаб чиқилмоқда.

Бугунги замон ўқувчилари жуда кўп нарсага қизиқувчан, телевидение, компьютер орқали кўп маълумотлар олишни истайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир дарсга пухта тайёрланиб, бу жараёнда АКТ лардан унумли фойдаланиш яхши самара беради.

Маълумки 8-синф ўқув дастурида мавзуларни ўрганиш учун 102 соат (хафтасига 3 соат, 1-ч 27с, 2ч 21 с, 3с 30 с, 4ч 24 с) вақт ажратилган. Дарсда қандай метод ва воситалардан фойдаланиш ўқитувчи маҳоратига боғлиқ.

Тахминан, қуйидаги мавзуларни (масалан: Кириш сўхбати. «Сўздан сўзнинг фарқи бор...», “Адабий нутқ”, “Матн мавзуси”, “Матндаги асосий фикр”, “Маълумотнома матни ва ижодий-тавсифий матн”, “Иншо-ижодий меҳнатнинг олий кўриниши”, “Иншо режасига қўйиладиган талаблар”, “Иншо турлари”, “Адабий ва адабий-ижодий мавзулардаги иншолар”, “Эркин мавзудаги иншолар” “Иншога эпиграф танлаш”, “ Сўз бирикмасида сўзларнинг ўзаро бирикиш усуллари”, “Сўз бирикмаси ва турғун боғланма”, “ Сўз бирикмаси ва тасвирий ифода”, “ Сўз бирикмаси ва гап”, “ Гапнинг тузилишига кўра турлари”, “ Гапнинг бўлақларга ажратилиши”, “ Эга ва унинг ифодаланиши”, “ Атов гаплар”, “ Содда ёйиқ гаплар”, “ Ҳол ҳақида умумий маълумот”, “ Тўлдирувчи ҳақида умумий маълумот”, “ Аниқловчи ҳақида умумий маълумот”, “ Гап ўрғуси (мантикий ўрғу)”, “Ажратилган изоҳ бўлақли гаплар, уларда оҳанг ва тиниш белгилари”, “ Ундалма”) ўрганиш жараёнида ўқитувчи медиа ресурслардан фойдаланиб дарсларни олиб бориши мумкин.

Қуйида дарснинг янги мавзу (8-синфда “Эркин мавзудаги иншолар”) ни ўрганиш босқичида медиаресурслардан фойдаланиш юзасидан тавсиялар берилди.